

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Тошкент Инвест компанияси”  
акциядорлик жамияти  
ягона муассисининг  
2023 йил “23” 08 даги  
1 -сон қарори билан



**“Тошкент Инвест компанияси”  
акциядорлик жамияти  
УСТАВИ**

Тошкент шаҳри – 2023 йил

## МУНДАРИЖА

I.	Умумий қоидалар .....	3
II.	Компаниянинг фирма номи ва жойлашган ери (почта манзили).....	3
III.	Компаниянинг ҳуқуқий ҳолати .....	4
IV.	Компаниянинг филиалари, ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари .....	5
V.	Компания фаолиятининг мақсади, асосий йўналишлари ва вазифалари ....	5
VI.	Компаниянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	6
VII.	Компаниянинг жавобгарлиги .....	9
VIII.	Компания устав фондининг (устав капиталининг) миқдори .....	9
IX.	Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш .....	10
X.	Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш .....	10
XI.	Компаниянинг акциялари, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинган акциялари .....	11
XII.	Компаниянинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари	13
XIII.	Компания акциядорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари .....	13
XIV.	Компаниянинг фондлари .....	15
XV.	Компания фойдасини ва дивидендларини тақсимлаш ҳамда зарарларининг ўрнини қоплаш тартиби .....	16
XVI.	Компаниянинг бошқарув органлари .....	17
XVII.	Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши .....	17
XVIII.	Компаниянинг Кузатув кенгаши .....	22
XIX.	Компаниянинг Бошқаруви (Ижроия органи).....	27
XX.	Компаниянинг фаолиятини назорат қилиш .....	33
XXI.	Компаниянинг Ички аудит хизмати .....	34
XXII.	Аудиторлик ташкилоти .....	34
XXIII.	Компаниянинг Корпоратив маслаҳатчиси .....	34
XXIV.	Компания томонидан йирик битимлар тузиш .....	34
XXV.	Компаниянинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш .....	35
XXVI.	Ҳисоб ва ҳисобот ҳамда ҳужжатларни сақлаш .....	37
XXVII.	Компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш .....	37
XXVIII.	Якуний қоидалар .....	37

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. “Тошкент Инвест компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 июлдаги “Тошкент шаҳрини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-112-сон Фармони, Тошкент шаҳар ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 июлдаги ПФ-112-сон Фармони ижроси ҳақида” 2023 йил 8 августдаги 473-14-0-Q/23-сон ва Компания ягона муассисининг 2023 йил 23 августдаги 1-сон қарорига асосан юридик шахсни таъсис этиш йўли билан ташкил этилган.

1.3. Компаниянинг муассиси:

**Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Тошкент шаҳар ҳокимияти)** – маҳаллий давлат бошқарув органи, юридик шахс, Ўзбекистон Республикаси резиденти, жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Ислом Каримов шох кўчаси 51-уй, почта индекси: 100066, СТИР: 201623064.

1.4. Мазкур Устав Компаниянинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

## II. КОМПАНИЯНИНГ ФИРМА НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

2.1. Компаниянинг фирма номи:

давлат (ўзбек) тилида лотин алифбосида:

тўлиқ номи – **“Toshkent Invest kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati**;

қисқартирилган номи – **“Toshkent Invest kompaniyasi” АЖ**;

давлат (ўзбек) тилида кирилл алифбосида:

тўлиқ номи – **“Тошкент Инвест компанияси” акциядорлик жамияти**;

қисқартирилган номи – **“Тошкент Инвест компанияси” АЖ**;

рус тилида:

тўлиқ номи – **Акционерное общество “Компания Ташкент Инвест”**;

қисқартирилган номи – **АО “Компания Ташкент Инвест”**;

инглиз тилида:

тўлиқ номи – **Joint-Stock Company “Tashkent Invest company”**;

қисқартирилган номи – **JSC “Tashkent Invest company”**.

2.2. Компаниянинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов шох кўчаси, уй, почта индекси: 100066.

2.3. Компаниянинг электрон почта манзили: [info@tashkentinvest.uz](mailto:info@tashkentinvest.uz).

2.4. Компаниянинг расмий корпоратив веб-сайти: [www.tashkentinvest.uz](http://www.tashkentinvest.uz).

### III. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

3.1. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек Компаниянинг Устави, ички меъёрий ҳужжатлари ва бошқарув органлари қарорларига мувофиқ амалга оширади.

3.2. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) киритилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.3. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.4. Компания фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

3.5. Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

3.6. Компания ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ ва қисқартирилган фирма номига эга.

3.7. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган юмалок муҳрга эғалик қилади. Оммавий ахборот воситаларида бир вақтнинг ўзида Компания номини бошқа тилда кўрсатиш мумкин.

3.8. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчилари, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

3.9. Компания устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улуши миқдори 50 (эллик) фоиздан ортиқ ёхуд устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улуши миқдори Компаниянинг бошқа ҳар бир акциядори улушига нисбатан кўп бўлган тақдирда, Компания давлат иштирокидаги корхона ҳисобланади. Бунда:

Компаниянинг устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат унитар корхоналарига, давлат муассасаларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли бўлган акциялар давлат улушларидир;

Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига куйидаги масалалар киритилаётганда Кузатув кенгаши уларни олдиндан кўриб чиқади ва Кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича сайланган аъзолари улар бўйича овоз бериш тартиби тўғрисидаги таклифларни давлат улушига нисбатан акциядор бўлган Тошкент шаҳри ҳокимлигига тақдим этади:

соф фойдани тақсимлаш ва унинг бир қисмини дивидендларга йўналтириш;

Компанияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш;

шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

ташкилий тузилмани тасдиқлаш;  
Компаниянинг Бошқарувини сайлаш, тайинлаш, ёллаш, унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш;  
эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;  
акцияларни бўлиш ва консолидациялаш;  
Компаниянинг устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш;  
мулкни гаровга бериш;  
йирик битим тузиш ёки Компаниянинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш;  
Компания томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни ва давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя этилади.

#### **IV. КОМПАНИЯНИНГ ФИЛИАЛАРИ, ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, ШУЪБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ**

4.1. Компания қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар, ваколатхоналар, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари очишга ҳақли.

4.2. Филиал Компаниянинг Компания жойлашган еридан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

4.3. Ваколатхона Компаниянинг Компания жойлашган еридан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни химоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

4.4. Компаниянинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлиб ҳисобланмайди. Улар Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш юритади. Компаниянинг филиал ва ваколатхонасига бериб қўйилган мол-мулклар Компаниянинг балансида ҳисобга олинади.

4.5. Компания филиал ва ваколатхона фаолияти учун жавобгар бўлади.

4.6. Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари Компания Бошқарув раиси томонидан Кузатув кенгаши раиси билан келишилган ҳолда тайинланади ва Компания Бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

4.7. Компания қонунчиликка мувофиқ шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

4.8. Компания қонунчилик талабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

#### **V. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

5.1. Компания ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Компания фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир.

5.2. Компания фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимликлари ҳамда улар таркибидаги корхона ва муассасаларга тегишли мулклар (кейинги ўринларда – муниципал мулклар) ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

муниципал мулкларни бошқариш, уларнинг негизида давлат шериги сифатида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларни тадбиркорлик субъектларига ижара ва бошқарувга бериш, уларнинг мониторингини юритиш ва самарадорлигини баҳолаб бориш;

муниципал мулкларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, уларнинг негизида инвесторлар билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектларининг Тошкент шаҳри инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларини уларнинг молиявий жозибadorлиги ва самарадорлигидан келиб чиқиб молиялаштиришда иштирок этиш;

Тошкент шаҳрининг алоҳида ҳудудларини ривожлантириш ва реновация дастурлари, мастер режа ва қуриладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги коммунал соҳа корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, улар фаолиятини трансформация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Тошкент шаҳридаги қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини ҳамда инфратузилма тармоқларига уланиш жараёнларини мувофиқлаштириш.

5.3. Компания қонунчилик билан таъқиқланмаган ва мазкур Уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият турини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

5.4. Айрим лицензия, рухсат бериш ёки хабардор қилишни талаб этувчи фаолият турлари Компания томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишинча лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олингандан ёхуд ваколатли орган хабардор қилингандан сўнг амалга оширилади.

5.5. Компаниянинг асосий вазифаси давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида “кўприк” вазифасини бажариш ҳисобланади. Шунингдек, Компания фаолиятининг асосий йўналашлари доирасида, қонунчиликда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 июлдаги “Тошкент шаҳрини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–112-сон Фармони ва “Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-236-сон қарорида белгиланган вазифалар ва ишларни амалга оширади.

## **VI. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Компания ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдидаги вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Компания ўз фаолияти мақсадлари, асосий йўналишларини ва визиғаларини амалга ошириш учун ва (ёки) улар билан бевосита боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси ва хорижий юридик шахслари, яқка тадбиркорлари ва жисмоний шахслари билан мулкый, ҳамкорлик ва бошқа шартномалар (битимлар) тузиш ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг иштирокчиси бўлиш ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқа тарзда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида каби унинг ташқарисида ҳам ваколатхоналар ва филиаллар очиш;

банкларда белгиланган тартибда ихтиёрий миллий ва хорижий валюталардаги ҳисобварақларни очиш, банк кредитини олиш, қонунчиликка мувофиқ барча шаклдаги тўловларни ўтказиш ва акцептлаш, пул воситаларини конвертация қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ ваколатланган банк орқали ўз воситаларини конвертация қилиш;

судда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш;

Компания ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

қонунчилик ва Компания ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган чегара ва талаблар доирасида кредитлар ва ссудаларни жалб қилиш, кағолатлар ва кафилликлар бериш, депозитлар бериш ва инвестицияларни, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш;

Компания томонидан шахсий зарурат учун илгари олинган ёки ўз тасарруфига олган мулкни сотиш ёки ижарага бериш;

Компанияга юклатилган вазифаларни бажаришда ва ҳўжалик фаолиятини юритишда зарур бўладиган товар-моддий бойликлар, ишлаб чиқариш ва техник мақсадларидаги жиҳозлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги жиҳозларни сотиб олиш;

Компания фаолияти билан боғлиқ шахсий маълумотларни ва фойдаланилиши чегараланган маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўриш, махфий маълумотлар ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш;

семинарлар, конференциялар, бошқа тадбирлар, шу жумладан ўқув тадбирларини ташкил қилиш ва қатнашиш;

миллий, хорижий ва халқаро иттифоқларга, бирлашмаларга, ассоциация ва касаба уюшмаларига аъзо бўлиш;

Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида халқаро конференциялар, семинарлар, тренинглар, инвестиция форумларида иштирок этиш;

тендер, танлов, аукцион, савдо ва конкурс-кўрикларни ўтказиш ёки уларда иштирок этиш;

бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шarti билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда кўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдам тарзидаги ҳомийлик

хайрияларини бизнес-режада белгиланган миқдор доирасида амалга ошириш. Бунда Компаниянинг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 (уч) фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар Компания бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно);

спорт тадбирини, маданий ёки бошқа тадбирни ташкил этиш ва (ёки) ўтказиш, телекўрсатувни ёки радиоэшиттиришни яратиш ва (ёки) намойиш этиш (эшиттириш) ёхуд ижодий фаолиятнинг бошқа натижасини яратиш ва (ёки) ундан фойдаланиш учун мол-мулкни, пул маблағларини, интеллектуал фаолият натижаларини тақдим этиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш тарзидаги ҳомийлик (спонсорлик) ва шерикликни бизнес-режада белгиланган миқдор доирасида амалга ошириш;

хўжалик фаолиятини мустақил режалаштириш;

ўз мажбуриятларини суғурта қилдириш;

Ўзбекистон Республикаси ва чет эл рейтинг ташкилотларидан рейтинг кўрсаткичларини олиш;

Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш;

қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

6.2. Компания қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

қонунчилик талабларига риоя этиш;

Компаниянинг мақсадларига эришилишини, фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари амалга оширилишини таъминлаш;

ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонунчилик талабларига мувофиқ таъминлаш;

қонунчиликда белгиланган ахборотни махсус ваколатли органнинг талабига биноан тақдим этиш;

фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ваколатли давлат органини ва бошқа манфаатдор шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда хабардор қилиш;

ҳар йили мажбурий ташқи аудиторлик текширувидан ўтиш;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиш;

қонунчиликка ва Компания ички ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни эълон қилиш;

ўз фаолияти мақсадлари, асосий йўналишлари ва вазифалари алоқадор бўлмаган активларга инвестиция қилмаслик;

инсайдер ахборот асосида битим тузмаслик;

ўз фаолияти юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилишига йиллик ҳисобот бериш;

қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

6.3.Компаниянинг мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга оширишлари, қонунчилик ҳужжатлари, Компания Устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажаришлари шарт.

## **VII. КОМПАНИЯНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1.Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

7.2.Акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

7.3.Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

7.4.Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

7.5.Давлат ва унинг органлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

## **VIII. КОМПАНИЯ УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ**

8.1.Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

8.2.Компаниянинг устав фонди (устав капитали) миқдори қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

8.3.Компаниянинг устав фонди (устав капитали) миқдори 100 000 000 000 бир юз миллиард) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган (бир юз миллиард) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялардан иборат бўлиб, мазкур акциялар Компаниянинг муассисига тўлалигича, яъни қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

Т/р	Муассис номи	Муассис кирита-диган улушлар миқдори	Муассисга жойлаштирилдиган акциялар		
			номи-нали, сўмда	сони, донада	умумий қиймати, сўмда
	Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Тошкент шаҳар ҳокимияти)				
	<b>Жами</b>				

## **IX. КОМПАНИЯНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КЎПАЙТИРИШ**

9.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

9.2. Кўшимча акциялар мазкур Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин.

9.3. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

9.4. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида руйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

9.5. Компаниянинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

9.6. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Компаниянинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

9.7. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

## **X. КОМПАНИЯНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КАМАЙТИРИШ**

10.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

10.2. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

10.3. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва Компания Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

10.4. Компания ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Компания устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида олишга ҳақли.

10.5. Компания ўз акцияларини олиш тўғрисидаги қарорида олинадиган акцияларнинг турлари, Компания оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгиланади.

10.6. Компания ўз акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўлайди.

10.7. Компания томонидан оддий акцияларини олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

10.8. Компания тасарруфига ўтган ўз акциялари овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

10.9. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Компания тасарруфига ўтган акциялар улар Компания тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

10.10. Компания устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Компаниядан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

## **XI. КОМПАНИЯНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ**

11.1. Компаниянинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акцияларга бўлинади.

11.2. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

11.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Компания акциядори деб эътироф этилади.

11.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Компанияни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

11.5. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Компаниянинг овоз берувчи акциясидир.

11.6. Компания акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

11.7. Акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш (очик ёки ёпиқ обуна) усуллари қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

- 11.8. Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.
- 11.9. Компания акцияларининг номинал қиймати 1 (бир) сўм.
- 11.10. Компания чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.
- 11.11. Компания акцияларининг жойлаштирилиши қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 11.12. Компаниянинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Компания акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.
- 11.13. Компаниянинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.
- 11.14. Компания акциялари учун тўлов пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки мулк ҳуқуқлар, ёхуд пул қийматига эга бўлган бошқа ҳуқуқларда амалга оширилиши мумкин, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.
- 11.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Компания жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Компаниянинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда Компания Уставига Компаниянинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.
- 11.16. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Компаниянинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Компания Уставига Компаниянинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.
- 11.17. Компания ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.
- 11.18. Компания акциядорларининг сони чегараланмаган.
- 11.19. Компания ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.
- 11.20. Компаниянинг қўшимча акциялари чиқарилган ҳолатда акциядорлар қонунчиликда белгиланган тартибда Компания устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.
- 11.21. Эълон қилинган акциялар: Компания устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) дона умумий қиймати тўққиз юз миллиард сўм бўлган эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялардан иборат.

## **ХII. КОМПАНИЯНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

12.1. Компания қонунчиликка мувофиқ корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

12.2. Компаниянинг корпоратив облигациялари Компания акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

12.3. Компания мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли. Агар корпоратив облигациялар суммаси Компаниянинг ўз капитали миқдоридан ошса, Компания ошган сумма учун таъминот бериши шарт.

## **ХIII. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

13.1. Компания акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Компаниянинг акциядорлари реестрига киритилиши;

депо хисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали Компанияни бошқаришда иштирок этиш;

Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплашини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

13.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

13.3. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

13.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

13.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонунчиликда белгиланган тартибда инвестиция воситачиси ва ёки) Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

13.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

13.7. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

Компанияни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

йирик битим тузиш масаласи бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилганда;

Компаниянинг Уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Компания томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Компания акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг Компания томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.

Акциядорлар мазкур бандда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда Компаниядан унга тегишли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилишга ҳақи эмас.

13.8. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

13.9. Компания акциядорларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;

мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Компания бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;

Компания фаолияти ҳақидаги конфиденциал (махфий), шу жумладан Компания тижорат сири ҳисобланадиган маълумотларни ошқора қилмаслик;

ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини хабардор қилиш;

Компания билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Компанияни хабардор этиш;

қонунчиликда белгиланган Компания томонидан хабардор (ошкор) қилиш мажбуриятини амалга ошириш учун Компания томонидан сўраб олинadиган ахборотни тақдим этиш.

13.10. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

13.11. Компаниянинг барча акциядорларига, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабат таъминланади.

13.12. Компания Давлат номидан иштирок этаётган акциядорлар билан биргаликда бошқа акциядорларнинг қонунчиликда белигиланган ҳуқуқларини тан олишади, уларнинг ушбу ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўришади, шунингдек бошқа акциядорларнинг қанча улушга эга эканликларидан қатъий назар бир хил муносабат таъминлашади.

13.13. Компания акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар махсус масалалар бўйича аудиторлик текширувини (мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Бунда акциядор учун ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёхуд Компания акциядорлари ёки бошқа шахслар томонидан Компанияга ёки унинг акциядорларига зарар етказган қонунчилик ёки Компания Устави бузилишини аниқлаш ҳақиқатан зарурлиги белгиланиши лозим.

13.14. Компания Кузатув кенгаши ва Бошқаруви миноритар акциядорларнинг ўрни ва ҳуқуқлари чекланилишига йўл қўймайди, шунингдек акциядорлар умумий йиғили кун тартибидаги масалалар, жумладан йирик битимлар тузиш бўйича маслаҳатлар ўтказилишини ташкил этади.

13.15. Компания акцияларининг 50 (эллик) ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача Компания акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 (эллик) фоиздан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини 30 (ўттиз) кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кун ичида олинган тақдирда, Компаниянинг 50 (эллик) ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

#### **XIV. КОМПАНИЯНИНГ ФОНДЛАРИ**

14.1. Компания ўз фаолиятини юритишда захира фондини ташкил қилади.

14.2. Компания устав фондининг (устав капиталининг) 15 (ўн беш) фоизи миқдорда захира фонди ташкил этилади.

14.3. Компаниянинг захира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Бунда ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг беш) фоиздан кам бўлмаслиги керак.

14.4. Компаниянинг захира фонди фақат қонунчиликда рухсат этилган мақсадларга ишлатилади.

14.5. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

14.6. Компания томонидан бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

## **XV. КОМПАНИЯ ФОЙДАСИНИ ВА ДИВИДЕНДЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ҲАМДА ЗАРАРЛАРИНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

15.1. Компания фойдаси қонунчиликка мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиш қарори билан тақсимланади.

15.2. Компаниянинг соф фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Компания ихтиёрида қолади ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан Компаниянинг захира фондини шакллантиришга йўналтирилади, акциядорлар орасида дивиденд шаклида тақсимланади, қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадларга ишлатилади ёки тақсимланмай қолдирилади.

15.3. Дивидендлар Компания соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

15.4. Дивидендлар Компания тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

15.5. Компания акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

15.6. Дивидендлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

15.7. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

15.8. Компания томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

15.9. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бундай қарор тегишли давр тугаганидан кейин 3 (уч) ой ичида қабул қилиниши мумкин.

15.10. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

15.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

15.12. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

15.13. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

15.14. Компания тузилган шартномага мувофиқ Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

15.15. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Компания ихтиёрида қолади.

15.16. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

15.17. Компания қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

Компания устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Компанияда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Компанияда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Компания соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

15.18. Компания дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

15.19. Компаниянинг зарарлари захира фонди маблағлари, акциядорларнинг мақсадли бадаллари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши мумкин.

## **XVI. КОМПАНИЯНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

16.1. Компания бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;

Бошқарув (ижроия органи).

## **XVII. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ**

17.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

17.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини қонунчиликда белгиланган тартибда йиғилиш раиси олиб боради.

17.3. Компания акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин ўтказилади, аммо олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим. Бунда Компания акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили июнь ойининг иккинчи ярмида ўтказилади.

17.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Компаниянинг Кузатув кенгашини сайлаш туғрисидаги, Компаниянинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Компаниянинг йиллик ҳисоботи, Компания Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

17.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

17.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

17.7. Компаниянинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлганда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

Қонунчилик ва мазкур Уставнинг Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар барча оддий акцияларга эгалик қилувчи ягона акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставнинг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгилувчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

17.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Компания уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

Компанияни қайта ташкил этиш;

Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Компания Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарувини тузиш, Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Компаниянинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Компания Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг Компания акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларини олишга доир имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Компаниянинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

қонунчиликда, мазкур Уставда ва Компаниянинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компаниянинг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича аъзолигига танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида”, “Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида”, “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида”, “Бошқаруви тўғрисида”, “Бошқарувининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида”, “Бошқарув аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида”, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”, “Ички назорат тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш ва ваколат доирасидаги бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Компаниянинг (Бошқарувнинг) аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш;

ҳомийлик хайриялари, бегараз ёрдам ҳамда ҳомийлик (спонсорлик) ва шерикликни кўрсатишнинг (олишнинг) қонунчиликда белгиланган доирасини инобатга олган ҳолда энг кўп миқдорини Компания Уставида ва (ёки) Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгилаш;

Компания томонидан Корпоратив бошқарув кодекси ва давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва мазкур тавсияларга риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш хабарининг шаклини тасдиқлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Компания бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

Компания мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этмаганлик ёки ушбу кодекс ва қоидаларда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

қонунчилик, мазкур Устав ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

17.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

17.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, мазкур Уставнинг 17.11-бандидаги масалалар бундан мустасно.

17.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган қуйидаги масалалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан Компаниянинг Кузатув кенгаши ваколатига ҳал қилиниши учун берилиши мумкин:

Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек Компания Уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компаниянинг Бошқарувини тузиш, Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Компаниянинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

17.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Компаниянинг оддий акциялари эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга.

17.13. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонунчиликда ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Компаниянинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

17.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Компаниянинг Уставида ёки Компаниянинг Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

17.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

17.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Компаниянинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

17.17. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили

тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Компаниянинг Кузатув кенгашига унинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

17.18. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Компания Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

17.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.

17.20. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

17.21. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

17.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси (қарори) акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада тузилади (1-нусха ягона акциядор учун, 2-нусха – Компания учун).

Баённоманинг (қарорнинг) ҳар иккала нусхаси ҳам ягона акциядор томонидан имзоланади.

17.23. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Компаниянинг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

## **XVIII. КОМПАНИЯНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

18.1. Компаниянинг Кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик, мазкур Устав ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатлари билан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

18.2. Компания Кузатув кенгаши ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва Компаниянинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

18.3. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

мазкур Уставнинг 17.8-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Компаниянинг Бошқарувига тўланган мукофот ва компенсациялар миқдорини йиллик акциядорлар умумий йиғилишида ошкор этилишини таъминлаш;

Компаниянинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Компаниянинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва Компаниянинг “Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш;

Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ва Компаниянинг “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш;

Компания Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Компаниянинг шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

қонунчиликда, мазкур Уставада ва Компаниянинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

Компаниянинг алоҳида йўналишлар бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш ва уларни молиялаштириш масалаларини белгилаш;

Компания ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси маблағларини лойиҳалар ва бошқа мақсадларга йўналтириш ҳамда тижорат банклари ва халқаро молия институтларидан қарз маблағларини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компания харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмиталарини ҳамда заруриятга кўра бошқа кўмиталарни ташкил қилиш;

Компания асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

Компания томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, Компания ва унинг таркибидаги корхоналар устав фондига (устав капиталига) учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

Компаниянинг “Стратегия ва инвестициялар кўмитаси тўғрисида”, “Аудит кўмитаси тўғрисида”, “Тайинловлар ва ҳақ тўлаш кўмитаси тўғрисида”, “Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмитаси тўғрисида”, “Компания акциядор (иштирокчи, муассис) бўлган ташкилотлар бошқарув органларида унинг номидан вакиллари овоз бериш тартиби тўғрисида”ги Низомларини, Ахлоқ кодексини ҳамда заруриятга кўра Инвестиция, Эмиссия, Дивиденд, Ахборот, Коррупцияга қарши курашиш, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш ва Жамғармалари тўғрисида сиёсатларини ва ваколат доирасидаги бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Компания Уставида ва (ёки) Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган энг кўп миқдори чегарасини инобатга олган ҳолда бизнес-режада белгиланган миқдор доирасида ҳомийлик хайриялари, беғараз ёрдам ҳамда ҳомийлик (спонсорлик) ва шерикликни кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини бу ҳақдаги маълумотларни акциядорларга ошкор этиш шарти билан белгилаш ва бу борада қарор қабул қилиш;

Компания Бошқаруви, ички назорат органлари, коллегиял органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этишни ташкил этиш;

Компания ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Компаниянинг йиллик молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш;

Компанияда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлашни ташкил этиш;

Компанияда Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларини жорий этиш ва тавсияларига риоя этиш юзасидан назорат қилиш.

қонунчиликда, мазкур Уставда ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

18.4. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

18.5. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

Компания Кузатув кенгаши 5 (беш) нафар аъзодан иборат таркибда сайланади. Бунда Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари сони 2 (икки) нафарни ташкил этади.

18.6. Компания Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

18.7. Компания Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси, Компаниянинг шубба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Компания Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

18.8. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар Компания Кузатув кенгаши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун, қоида тариқасида, танлов асосида кўрсатилади. Бунда, акциядорлар томонидан ҳам танлов асосида ёки “хэдхантер” (“headhunter”) компаниялари орқали танлаб олинган номзодлар Компания Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига кўрсатиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритилиши мумкин.

18.9. Компания Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Компаниянинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомида белгилаб қўйилади.

18.10. Кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича ва мустақил аъзолигига кўрсатиладиган номзодларни танлаб олиш тегишинча Компания “Кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича аъзолигига танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида” ва “Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида”ги Низомларига мувофиқ амалга оширилади.

18.11. Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

18.12.Компания Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Компания Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

18.13.Компания Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади, шунингдек қонунчиликда, мазкур Уставда, Компаниянинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низоми ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифалар ва мажбуриятларни бажаради ҳамда ваколатларини амалга оширади.

Компания Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

18.14.Компания Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзолари, Корпоратив маслаҳатчи ва Ички аудит хизмати раҳбари, шунингдек Компаниянинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади ва улар мажлис кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

18.15.Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Компания Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоиздан кам бўлмаслиги керак.

18.16.Овозга қўйилган масала бўйича Компания Кузатув кенгашининг қарори, агар қонунчиликда ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Компания Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Компания Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йул қўйилмайди.

Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Компания Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

18.17.Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставнинг 18.5-банд иккинчи хатбошисида белгиланган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоиздан кам бўлган тақдирда, Компания Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.

Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18.18.Компания Кузатув кенгашининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

18.19.Компания Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади.

Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг (ўн) кундан кечиктирмай тузилади.

Компания Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Компания Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Компания Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Компания Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Компания Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Компаниянинг Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Компаниянинг Бошқарувига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

18.20. Компания Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори ва (ёки) Компаниянинг “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланади.

18.21. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

Компания Кузатув кенгаши аъзолари Компания ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

18.22. Компания Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари билан уларнинг Кузатув кенгаши аъзолиги тўғрисида қонунчилик, мазкур Устав, Компаниянинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомлари ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда Кузатув кенгаши аъзоси сифатида ваколатларининг амал қилиш муддатига шартнома (келишув) тузилади.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари билан уларнинг Кузатув кенгаши аъзолиги бўйича тузиладиган шартномани (келишувни) Компания номидан Компания Кузатув кенгаши раиси ёки Акциядорларининг умумий йиғилиши ваколат берган шахс имзолайди.

18.23. Компания Кузатув кенгаши аъзоси, шу жумладан Кузатув кенгаши раиси ваколатлари қуйидаги асосларга кўра Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

ўз аризасига кўра;

Компания Уставини қўпол тарзда бузган тақдирда;

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса;

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси билан тузилган шартнома (келишув) шартларини бузган тақдирда;

Компания ва унинг акциядорлари манфаатларига зид равишда инсофсиз ва мантиқсиз ҳаракат қилса;

Компания фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни, шу жумладан инсайдерлик ахборотларни ошкор этиш, уларнинг учинчи шахслар томонидан ўз мақсадларида фойдаланишга йўл қўйса;

Компания Кузатув кенгашининг мажлисларида, Кузатув кенгаши қошидаги кўмиталарнинг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаса;

у тузилишидан манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисидаги маълумотларни яширса;

акциядор томонидан унинг ўрнига бошқа номзод кўрсатилса;

ваколатларининг амал қилиш муддати тугаганда.

18.24. Компанияда Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмиталари ташкил қилинади.

## **XIX. КОМПАНИЯНИНГ БОШҚАРУВИ (ИЖРОИЯ ОРГАНИ)**

19.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия органи – Компания Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

Компания Бошқаруви фаолиятига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

19.2. Компания Бошқаруви қонунчилик, мазкур Устав, Компаниянинг “Бошқаруви тўғрисида»ги Низоми ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

19.3. Компания Бошқаруви 5 (беш) нафар аъзодан иборат бўлиб, Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

19.4. Компания Бошқаруви таркибига Бошқарув раиси, Бошқарув раиси ўринбосарлари, Бош бухгалтер, шунингдек Компаниянинг муҳим аҳамиятга эга раҳбар ходимлари киритилади.

19.5. Компания Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

19.6. Компаниянинг Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосарлари, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида танлов асосида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади (тайинланади).

19.7. Компания Бошқарув раиси ва аъзолари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади (тайинланади) ва уларнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилади.

19.8. Компания Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликда, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири билан Компания тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

19.9. Компания Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

19.10. Қонунчилик, мазкур Устав, Компаниянинг “Бошқаруви тўғрисида”, “Бошқарув аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомлари ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда Бошқарув аъзоси сифатида ваколатларининг амал қилиш муддатига:

Компания Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосарлари билан уларнинг тегишинча Бошқарув раислиги ёки Бошқарув раиси ўринбосарлиги ва Бошқарув аъзолиги тўғрисида меҳнат шартномаси ва (ёки) шартнома;

Компания Бошқарув аъзолигига номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузилган Компания Бош бухгалтери ва муҳим аҳамиятга эга раҳбар ходимлари сайланганда (тайинланганда), улар билан Бошқарув аъзолиги тўғрисида шартнома тузилади.

19.11. Компания Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузиладиган тегишинча меҳнат шартномасини ва (ёки) шартномани Компания номидан Компания Кузатув кенгаши раиси ёки Акциядорларининг умумий йиғилиши ваколат берган шахс имзолайди.

Компания Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада унинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

19.12. Бошқарув аъзолигига кўрсатиладиган номзодларни танлаб олиш Компания “Бошқарувининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ амалга оширилади.

19.13. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва улар билан тузиладиган шартномада белгиланади. Бунда:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва тўланадиган мукофот тўловлари миқдори ва тўлаш тартиби белгиланади;

белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъқиқланади;

Компания томонидан қонунчиликка мувофиқ давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда бунга масъул Бошқарув аъзоси рағбатлантирилмайди.

19.14. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва тўловлар Кузатув кенгаши тавсиясига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори ва (ёки) Компаниянинг “Бошқарув аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

19.15. Компания Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ ҳар ойда камида бир марта ўтказилади.

Компания Бошқаруви томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилиши мумкин.

Бошқарувнинг фикри ҳақида Кузатув кенгаши мажлиси ва акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси, Бошқарув аъзоси ёки Компаниянинг муҳим аҳамиятга эга раҳбар ходими ахборот беради ва ҳимоя қилади.

19.16. Компания Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 60 (олтмиш) фоиз ва ундан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

19.17. Компания Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Компания Бошқарув раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Мазкур Уставнинг 19.20-банди ўн биринчи хатбошисида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Компания Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

19.18. Компания Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Компания Кузатув кенгашига билдиришлари мумкин.

19.19. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисда иштирок этаётган Компания Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши, Ички аудит хизмати, Корпоратив маслаҳатчи ва аудиторлик ташкилотига уларнинг талабига кўра берилади.

19.20. Компания Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига кўйидагилар киради:

Компаниянинг асосий фаолиятини такомиллаштириш, бошқаришнинг энг янги услубларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Компанияни ривожлантириш бўйича стратегик чоралар ишлаб чиқиш;

Компания хизматларига истиқболда талабни ошишини, унинг фаолиятининг янги йўналишларини аниқлаш;

Компания акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;

Компаниянинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига тасдиқлаш киритилган ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

Компания шубҳа хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун ўз ваколати доирасида мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

Компанияни ривожлантириш стратегияси, дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

мазкур Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш.

ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Компания Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Компания Бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгашига ҳал этиш учун киритилиши мумкин);

Ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

Ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

қонунчиликка, Компаниянинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш;

ташқи аудиторлик ташкилотлари, Компания Ички аудит хизмати ва Корпоратив маслаҳатчи томонидан Компанияда ўтказилган текширишлар (ўрганишлар) натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар режасини бажарилиши юзасидан ишларни ташкиллаштириш;

Компания хизматлари бўйича нарх ва тарифларни ўз ваколати доирасида тасдиқлаш;

Компания ҳисоботларини, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботларини кўриб чиқиш;

Компания ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, шунингдек Компания томонидан топширилган мулкдан оқилона фойдаланишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриб чиқиш;

Компанияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни бажариш;

Компания асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат Компания Кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

Компания мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, Компания ва унинг таркибидаги корхоналар устав фондига (устав капиталига) учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан Кузатув кенгаши билан келишиш;

Компания Уставида ва (ёки) Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган ҳомийликка сарфланадиган харажатлар энг кўп миқдори чегарасини инобатга олган ҳолда бизнес-режада белгиланган миқдор доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерациясининг топшириқлари ва (ёки) мурожаатлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатларига кўра ҳар бир топшириқ ва (ёки) мурожаат бўйича ҳомийлик хайрияларини ажратиш;

Компания Бошқарувига юклатилган вазифаларини бажариш ва Компаниянинг корпоратив мақсадларига эришиш мақсадида Компания ходимлари ва (ёки) ташқи экспертлардан иборат бўлган ишчи гуруҳлар ва комиссиялар ташкил қилиш;

Компанияда Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этишни баҳолаш;

қонунчиликка, мазкур Уставга ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

19.21. Компания Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

ўзининг ваколатлари доирасида Компания фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш, Компания номидан битимлар тузиш ва ҳужжатларни имзолаш;

Компания номидан ҳужжатларни имзолаш;

ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

Компания шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

штатларни тасдиқлаш, Компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда уларни рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

банкларда ҳисобварақлар очиш;

Компания номидан ишончномалар бериш;

Компания филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини Кузатув кенгаши раиси билан келишилган ҳолда тайинлаш ва уларни лавозимдан озод этиш ҳамда улар билан Компания номидан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда уларни рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

ўз ваколати доирасида Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорлар, Кузатув кенгаши аъзолари, кредиторлар ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Компания Кузатув кенгаши, Ички аудит хизмати, Корпоратив маслаҳатчиси ва аудиторлик ташкилоти талабига кўра тақдим этиш;

солиқ, статистика ва молиявий ҳисоботларни тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Компания тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланишини таъминлаш;

Компанияни малакали кадрлар билан таъминлаш, Компания ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш;

Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Компания акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш;

Компания Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

Компания Кузатув кенгаши мажлисларига Компанияни ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш усулларига доир таклифларни киритиш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгашининг мажлисларига таёргарлик кўриши ва уларни ўтказишни ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини таъминлаш;

қонунчиликка, мазкур Уставга ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

19.22. Компания Кузатув кенгаши ва Акциядорларининг умумий йиғилиши, шунингдек Компания Устави ва Компанияни ривожлантириш стратегияси томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун Компания Бошқаруви ўз ваколатига кирувчи масалаларни мустақил ҳал этади.

19.23. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Компания Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

19.24. Компания томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, Компания Бошқарув раиси билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Компания Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

19.25. Компания Бошқарув аъзоси, шу жумладан Бошқарув раиси ваколатлари қуйидаги асосларга кўра Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

ўз аризасига кўра;

Компания Уставини кўпол тарзда бузган тақдирда;

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса;

у билан тузилган меҳнат шартномаси ва (ёки) шартнома шартларини бузган тақдирда;

Компания ва унинг акциядорлари манфаатларига зид равишда инсофсиз ва мантиқсиз ҳаракат қилса;

Компания фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни, шу жумладан инсайдерлик ахборотларни ошкор этиш, уларнинг учинчи шахслар томонидан ўз мақсадларида фойдаланишга йўл қўйса;

Бошқарув мажлисларида, Бошқарув қошидаги ишчи гуруҳлар ва комиссиялар мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаса;

у тузилишидан манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисидаги маълумотларни яширса;

акциядор томонидан унинг ўрнига бошқа номзод кўрсатилса;

ваколатининг ва у билан тузилган меҳнат шартномасининг ва (ёки) шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

19.26. Компания Бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

19.27. Компания Бошқарув раиси ва аъзолари Компания ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари учун қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

19.28. Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

19.29. Агар Компаниянинг Бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Компанияга зарар етказилган бўлса ва бунда Компания Бошқаруви аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Компаниянинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Компаниянинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

## **XX. КОМПАНИЯНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

20.1. Компаниянинг фаолияти ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар томонидан назорат қилинади:

- Компаниянинг Ички аудит хизмати;
- Аудиторлик ташкилоти;
- Компаниянинг Корпоратив маслаҳатчиси.

## **XXI. КОМПАНИЯНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ**

21.1. Компанияда Ички аудит хизмати ташкил этилади.

21.2. Компания Ички аудит хизмати бевосита Компаниянинг Қузатув кенгаши ва Аудит қўмитасига ҳисобдор бўлиб (бўйсуниб), унинг ходимларининг сони ва шахсий таркиби қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

21.3. Компаниянинг Ички аудит хизмати Компаниянинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, мазкур Уставга ва Компания бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компаниянинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

21.4. Компаниянинг Ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан, 50 (эллик) фоиздан зиёд улуши Компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколати берилади.

21.5. Ички аудит хизмати фаолияти Компаниянинг “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

## **XXII. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

22.1. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда Компания молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

22.2. Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади.

## **XXIII. КОМПАНИЯНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ**

23.1. Компанияда Корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

23.2. Корпоратив маслаҳатчи Компания Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

23.3. Корпоратив маслаҳатчи, Компания ва унинг акциядорлари ҳамда инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, Компаниянинг корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

23.4. Корпоратив маслаҳатчининг иш фаолияти ва батафсил вазифалари Компаниянинг “Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

## **XXIV. КОМПАНИЯ ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМЛАР ТУЗИШ**

24.1. Компания томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

24.2. Компаниянинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тугилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастигида эса бирор-бир фавқулудда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

24.3. Компания мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

24.4. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 эллик) фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Компания Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

24.5. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Компания Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

24.6. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

24.7. Йирик битим Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Компаниянинг Бошқауви томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

24.8. Компания томонидан йирик битимлар тузиш ва Компаниянинг битим тузишдан манфаатдорлиги бўйича мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади.

## **XXV. КОМПАНИЯНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШ**

25.1. Компания қонунчиликда белгиланган тартибда ўзининг аффилланган шахслари рўйхатини юритади ва ошкор этади.

25.2. Аффилланган шахс Компания билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Компанияни хабардор этиши шарт.

25.3. Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар Компания йиллик ҳисоботининг бир қисмидир.

25.4. Компаниянинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот Компаниянинг Бошқаруви ва Ички аудит хизмати томонидан ўрганилади. Компаниянинг Бошқаруви томонидан ўрганиш ёзма билдириш олинганидан кейин 3 (уч) иш куни ичида амалга оширилади. Бошқарув раисининг қарорига кўра мазкур битимни ўрганишга қўшимча равишда Компаниянинг бошқа ходимлари жалб қилиниши мумкин.

25.5. Аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни Компания Бошқаруви ва Ички аудит хизмати томонидан ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг Компания фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши керак.

25.6. Компаниянинг Бошқаруви Компания Кузатув кенгашини аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

25.7. Компаниянинг Кузатув кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилиланган шахснинг ёзма билдириши Компанияга келиб тушган санадан эътиборан 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

25.8. Агар Компания Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

25.9. Компаниянинг аффилиланган шахси Компаниянинг Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

25.10. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган Компания Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда аффилиланган шахс билан тузилаётган, қиймати Компания соф активлари қийматининг 10 (ўн) ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

25.11. Компаниянинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш бўйича мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

## **XXVI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ ҲАМДА ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ**

26.1. Компания қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

26.2. Компанияда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Компаниянинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Компания Бошқарувининг зиммасида бўлади.

26.3. Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Компания ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

26.4. Компаниянинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

26.5. Компания Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

26.6. Компания қонунчиликка ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатларни сақлайди.

## **XXVII. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

27.1. Компанияни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

27.2. Компанияни тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Компаниянинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Компания фаолиятини тугатишга олиб келади.

## **XXVIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

28.1. Мазкур Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар қонунчилик ва мазкур Уставга асосан ҳал қилинади.

28.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амаладаги қонунчилигига мувофиқ улар тегишли суд орқали ҳал қилинади.

28.3. Мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

28.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амаладаги қонунчилиги қоидалари қўлланилади.

28.5. Агар мазкур Уставни бирор бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

28.6. Мазкур Устав ва унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Бошқарув раиси **в.в.б.**



**Х.Усманов**